

Яхши мақсадда ёлғон гапирса бўладими?

16:04 / 24.04.2016 4159

Баъзан шундай ҳолатлар пайдо бўлиб қоладики, одамларга бирор яхшиликни қилмоқчи бўлганигда ёлғон гапиришга мажбур бўлиб қолсан киши. Масалан, эр-хотинларни яраштириш учун бири айтмаган гапни бошқасига ёлғондан “шундай деганди” деб етказишга тўғри келиб қолади. Саволим шуки, яхши мақсадда ёлғон гапириш жоизми?

ЖАВОБ: Исломда ёлғон ҳаром ва катта гуноҳ ҳисобланса-да, ундан каттароқ зарарни қайтариш учун уч ҳолатда истисно тариқасида ёлғон ишлатишга рухсат берилган. Булар қуйидаги ҳолатлардир:

1. Одамлар орасини ислоҳ қилиш. Мусулмонларнинг бир-бирлари билан уришиб юришлари жуда ёмон иш. Бунинг оқибатида инсонлар ва жамиятлар ораси бузилади, тотувлик, аҳилликка путур етади. Кишиларнинг бир-бирлари билан хусуматлашишлари, уришишлари барча бало-офатларнинг бошидир. Шунинг учун бу ҳолат пайдо бўлиши билан қандай қилиб бўлса-да уни бартараф қилишга ўтиш зарур. Бу йўлда ҳатто ёлғон гапиришга ҳам рухсат бор. Чунки одамларнинг орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапирган одам фақат яхшиликни кўзлаган бўлади.

2. Урушда ғалаба қилиш учун. Душман билан бўлаётган қуролли қарама-қаршилик ҳаёт-мамот жанги бўлади. Бу жангда душман қўлидан келган барча ишларни, жумладан, ёлғонни ҳам ишга солади. Агар аскар енгилса, барча уммат ва миллат душман асорати остида қолади. Шунинг учун ҳам кўпчилик манфаати йўлида душманни доғда қолдириш учун ёлғон гапиришга рухсат берилган.

3. Оиланинг аҳиллигини сақлаб қолиш учун. Ҳар бир жамиятда оиланинг аҳиллиги алоҳида аҳамият касб этади. Аҳил оилада ўсган болалар салоҳиятли фуқаро бўлиб етишади. Ота-онанинг жанжаллари остида ўсган болаларнинг тарбияси бузилиши, улар жирттаки, аламзада ва бемехр бўлиб улғайиши мумкин. Шунинг учун ҳам эр-хотин орасидаги ўзаро аҳиллик жуда муҳимдир. Ана шу аҳилликни сақлаб қолиш мақсадида эр-хотин бир-бирларига яхши маънода ёлғон гап айтишларига рухсат берилган.

Ушбу истисно тариқасида рухсат берилган уч ҳолатдан бошқа ҳолларда ёлғон гапириш асло мумкин эмас. Умму Кулсум бинти Уқба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бу аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган биринчи муҳожиралардан бўлган эди. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Одамлар орасини ислоҳ қилган каззоб (ёлғончи) эмас. Хайрни айтади ва хайрни етказди», деганларини эшитган экан. У: «Мен у зотнинг одамлар «ёлғон» дейдиган нарсадан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Фақат уч нарсага: урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эрнинг ўз хотинига ва хотиннинг ўз эрига гапиришида рухсат берганлар», деди» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий).

Абу Довуднинг лафзида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғондан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Фақат уч нарсани «ёлғончи ҳисобламайман» дер эдилар: одамлар орасини ислоҳ қилган одамни. У бир гапни айтса, ундан ислоҳдан бошқани ирода қилмайди. Урушда сўз сўзлаган кишини ва ўз хотинига сўз айтган эрни ҳамда ўз эрига сўз айтган хотинни», дейилган (Аллоҳ билувчидир).